



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуг айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Таъкидлаш кераки, **миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлигидадир.** Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмокдамиз.

Ишончнинг комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайди, демократик ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайдми.

Биз баҳодир ва довюрак ҳарбийларимиз билан — ўзининг муқаддас қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган кўркмас ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг **ота-оналарига**, шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртоқлари билан баҳам кўриб келаётган меҳрибон ва сабр-тоқатли **рафиқаларига** улкан миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг тимсолигизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кучни кўрамиз. Бугунги улуғ айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб ҳиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Қадрли дўстлар!
Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг қўламли ишларни амалга оширмокдамиз.



**14 январь —
Ватан ҳимоячилари куни**

ШАРАФ СИЗГА, МАТОНАТЛИ ПОСБОНЛАР!

Пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

Унга Мудофаа, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Божхона хизмати ва соҳага дахлдор бўлган бир қатор тузилмаларнинг ходимлари, фахрийлар, ҳарбий академиялар, билим даргоҳларининг курсантлари, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Давлатимиз мадҳияси янграйди.
Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ўқиб эшиттирди.

Тинч ва осойишта ҳаёти-миз, ёруғ ва беҳавотир кунларимиз ҳарбийларнинг фидойилиги, садоқати, матонатига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда мудофаа соҳасини тубдан ислоҳ этиш, уни тезкор замон талабига монанд тарзда мутасил такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмокда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий ҳақлигини муҳофаза қилиш, давлатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар қудрати ва қобилиятини ошириш каби йўналишларда тизимли ишлар олиб борилмокда.



Идоравий манфаатларга асосланиб ёзилган қонун лойиҳаси

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ЭЪТИРОЗИГА САБАБ БЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг видеоконференц алоқа шаклидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда фракция аъзолари томонидан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чоралари енгиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги каби қонун лойиҳалари биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Дастлаб фракция аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатлар лицензиялаш

ва рухсат бериш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида, соҳадаги миллий қонунчиликни тизимлаштириш лозимлигини таъкидлашди. Шунингдек, қонун лойиҳасида илгари сурилаётган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг электрон шаклда берилиши муносабати билан уларнинг дубликатини бериш, шунингдек, лицензия шартномасини тузиш институти(амалиёти)ни бекор қилиш ҳамда

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш фақатгина электрон тарзда икти-сосслаштирилган махсус электрон тизим — “Лицензия” ахборот тизими орқали амалга оширилишини қўллаб-қувватлашди.

Шу билан бирга, фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасида манфаатдорликка йўл қўйилган бир қатор жиддий камчиликлар борлиги қайд этилди.



Ички ишлар вазирлиги диққатига!

Сўхликлар НЕГА САРСОН?!

Барчамизга маълумки, Фарғона вилоятидаги Сўх тумани анклав ҳудуд ҳисобланади. Вилоят марказига келиш учун 4 та кириш-чиқиш постларидан ўтиш керак. Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги ПФ-5156-сонли фармонида асосан 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиб-таомили бекор қилиниб, хорижга чиқиш учун биометрик паспортлар бериш (хорижга чиқиш паспорти) тизими жорий этилди. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, фуқаролар фақат янги турдаги хорижга чиқиш биометрик паспорти билан чегарадан ўтказила бошладилар. Албатта, мазкур паспорт жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Аммо, ҳозирда Сўх тумани аҳолиси учун бу борада муаммолар юзага келмокда.

Аввало, аҳоли иш юзасидан Фарғона шахрига бориш учун чегарадан ўта олмаётти. Туманда 80 мингга яқин аҳоли истикомат қилади. Уларнинг орасида тиббий ёрдамга муҳтожлари бор. Айнан тиббий муолажа зарур бўлган кексаларимиз ҳам кийин аҳволга тушиб қолишган. Уларни хорижга чиқиш учун биометрик паспорт билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаган. Бу борадаги ишларни қониқарсиз аҳволда, десак ҳам адашмаймиз. Қонунчилигимизда янги паспортлар тегishi тартибда 10 кун муддатда берили-



ши кўзда тутилган бўлса-да, бизда ойлаб паспортини ололмаётган фуқаролар бор. Сўхлик сайловчилар томонидан ҳам айнан хорижга чиқиш биометрик паспортини олишга ёрдам бериш масаласида қўллаб-қувватлаш келиб тушмокда.

Паспорт тизимидаги мутахассисларнинг иш ҳажми кўпайиб, кўп минг сонли сўхликларни хо-

рижга чиқиш учун биометрик паспорт билан таъминлашни узоқ вақт кутишга тўғри келмаётгани ҳамда Сўх туманининг ҳудудий жойлашувидagi ўзига хосликларни инобатга олиб, туман аҳолиси-га (истисно тариқасида) амалда қўлланилаётган биометрик паспортдан вақтинча фойдаланган ҳолда кириш ва чиқишга рухсат бериш муддати муайян вақтга узайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Субҳонали НИШОНОВ,
халқ депутатлари Сўх тумани
Кенгаши депутати

Муносабат



Умиджон СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши
раиси ўринбосари

ПАРТИЯЛАР ХАЛҚНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲУРМАТИ ЭЪТИРОФИ ВА ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШИ ЛОЗИМ

“Муваффақият калитини қўлга киритиш учун сиз ўзгалар ухлаётганда ўрганинг, бошқалар инсиз гап сотаётганда ишланг, ўзгалар ўйин ўйнаганда тайёргарлик кўринг ва бошқалар истаган вақтда мақсад қўйинг”.

Зеҳни ўткирлиги, зукколиги ва заковати билан ўз вақтида дунёни лол қолдирган инглиз шахматчиси Вильям Артур Уордга тегишли бу ўғит болалигимданок ёдимда қолган. Дарҳақиқат, ҳар қандай инсон ўзи истаган орзуга эришиш учун, албатта, ўз устида ишлаши, мунтазам меҳнат қилиши ва энг асосийси, ўз олдига тўғри мақсад қўя олиши муҳим аҳамиятга эга.

Яқиндагина поёнига етган 2020 йилнинг якунида Президентимиз томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатнома ҳамда унда илгари сурилган фикр ва мулоҳазалар болалигимда ўқиган юқоридаги иқтибосни яна ёдимга туширди. Сабаби, Президентимизнинг Мурожаатномасидан яна бир ҳақиқатни чуқур англадимки, айнан меҳнат қилиш, изланиш ва фақат олдинга қараб онгли равишда ҳаракат қилишдан тўхтамасликкина мамлакатимиз, халқимизнинг ҳар қандай синовлардан муваффақиятли ўтишига хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

1-БЕТ Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Тарихимизда биринчи марта ўз мохиятига кўра ноёб тизим – ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. **Энг муҳими, “Армия ва халқ — бир тану бир жондир”** деган улуг ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ана шундай сазой-ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республика-миз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва

суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Албатта, ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йилли бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида қутилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг **“Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур”**, деган эзгу даъватини ўзига шior қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва қутқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани

аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Пахлавон ва ботир ўғлонларимиз халқаро ҳарбий-ўқув машғулотлари, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, галабага бўлган иродасини яққол намойиш этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

Муҳтарам ватандошлар!

Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамадан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ихтимой қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шахарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттираялмиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. 3 мингдан зиёд ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мингдан ортиқ фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олишлари учун давлат грантлари ажратилди.

Ҳеч шубҳасиз, **Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида** бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни аниқ белгиллаб бердик.

Янги Ўзбекистонда ёш авлодининг жисмоний ва маънавий соғ-

лом, Она Ватанга фидойи ва жонқуяр инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрлиниб яшаши учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар этамиз.

Жаҳонда мафқуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафқуравий имунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Ҳурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб моҳаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар

билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги сазой-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусавво осмонини кўз қорачигидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун билан сиз, азизларни ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юракдан табриқлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эътироми сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар Олий
Бош Қўмондони

Идоравий манфаатларга асосланиб ёзилган қонун лойиҳаси



ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ЭЪТИРОЗИГА САБАБ БЎЛДИ

1-БЕТ Дилмурод ИСМОИЛОВ, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида юридик шахслар учун киририлган жарималар аниқ механизмлар билан очиқ берилмаган. Шунингдек, ўз фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор қилинмаганлиги учун ҳам тийинлаш назарда тутилмаган жарима жуда юқори. Биз бундай нормалар билан тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ўрнига уларни қийнаб қўямиз. Қонун лойиҳасида янги норма ҳам жорий этилмоқда. Яъни тадбиркор фаолияти ҳақида хабардор қилмас, унинг тадбиркорлигини суд орқали тугатиш. Бу норма ҳам қанчалик асосли, бу борада аниқ таҳлиллар борми?

Шухрат ПОЛВОНОВ,
“Адолат” СДП
фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси бир ёқлама идоравий манфаатларга асосланиб ёзилган. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фақатгина қонун лойиҳасига алоқадор

давлат идоралари билан келишилган. Нега бошқа, эртага фаолияти шу қонун билан тартибга солинадиган нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан келишувлар амалга оширилмаган? Хусусан, қонун лойиҳасида иккинчи тартибга солувчи томон ўз вазифаларини бажармаса қандай чора кўрилиши ҳақида норма киритилмаган.

Баҳром ҚЎЧҚОРОВ,
Адлия вазирининг ўринбосари:

— Биз қонун лойиҳаси билан фақатгина қонуний ишловчи тадбиркорларни ҳимоя қилишни назарда тутганмиз, қонуний ишламаган тадбиркорларни ҳимоя қилмаймиз. Фракция аъзолари томонидан билдирилган тақлифлар ўрганиб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибига муҳокама қилинган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чоралари енгиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштириш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилиши натижасида йўл-транспорт соҳасидаги қоидабузарлик учун жарималар белгилашда коррупция ҳолатлар содир этилишининг олди олиниб, жарималар миқдори айбдорлик даражасидан келиб чиққан ҳолда тавсифланади. Шунингдек, автотранспорт воситаси тўхташ ёки тўхтаб туриш жойларида зарур инфраструктура мавжуд бўлмаган ва мажбуриятдан содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан жарималар миқдори енгиллаштирилади. Бу каби ҳолатлар эса фуқароларда қабул қилинаётган қонунларга нисбатан ишонч ҳисси ошишига хизмат қилади.

Ушбу қонунда назарда тутилган имтиёзларда ҳам бир қатор ўз ўрнини топмаган тақлифлар борми депутатлар эътиборидан четда қолмади.

Олтиной МАМИРОВА,
“Адолат” СДП фракцияси
аъзоси:

— Қонун лойиҳасида фуқароларимиз манфаатини кўлаб бир қатор нормалар илгари сурилмоқда. Жумладан, табиатга зарар етказиш каби қоидабузарликлар учун жарималар деярли беш бараварга қаммайтирилмоқда. Аммо ҳайдовчилар ўзлари истамаган ҳолда тўхтаб туриш қоидаларини бузганлиги учун қаммайтирилётган сумма сезиларли эмас. Бу масалани қонун лойиҳасини кейинги ўқишга тайёрлаш жараёнида яна бир бор кўриб чиқиш зарур.

Партия ва фракция позициясидан келиб чиққан ҳолда бўлиб ўтган йиғилишда депутатлар “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасига ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Жумладан, қонун лойиҳасининг бир бор Сенатдан қайтарилганини ҳисобга олган ҳолда пухта ишлаш, ҳозирги қайта ишланган ҳолатида фақатгина Сенат томонидан билдирилган эътирозларни ўзгарти-

риш билангина чекланиб қолганлиги айтиб ўтилди.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
“Адолат” СДП фракцияси
аъзоси:

— Қонун лойиҳаси бир йил олдин ишлаб чиқилгани учун ҳозирги қонунчиликдаги ўзгаришларга мослаштирилмасдан қайта киритилган. Биргина мисол, бугун биз “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдик. Мазкур қонун лойиҳасининг кўплаб қисми айнан “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қонун билан кесишди, аммо қонун лойиҳасида уларни бир-бирига солиштириб, ўзгартириш киритилмаган.

Қизгин баҳс ва мунозаралар тарзида ўтган йиғилиш якунида кун тартибига қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси
ишчиси котиби

Депутат минбари

Пандемия шароитида тиббиёт соҳасидаги ютуқ ва камчиликларимиз яққол кўринди. Қареддири тажрибамиз ошди, яна қареддири янгича амалиёт бўлиши қўйилди. Жумладан, эпидемияга қарши янги шифоналар қурилиши, электрон тиббиётга ўтишнинг тезлашиши, телемедицинага асос солиниши Ўзбекистон тиббиётидаги ижобий ютуқлардир.

Бирламчи тиббиёт муассасалари муаммолардан қачон қутулади?

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тиббиёт соҳаси, хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўлини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизмат сифатини ошириш масалалари тилга олинди. Бирламчи бўлган қамровини кенгайтириш бўйича берилган тақлиф ҳам жиддий мулоҳаза юритишга ундайди.

Мурожаатномада тилга олинган масалалар аҳолига тиббий хизматни яхшилаш учун қилинадиган ишлар ҳали кўпчилиги англатади. Тиббиёт соҳасида инсонларнинг энг биринчи иши тушадиган, бевосита халқ ҳаётида муҳим бўлган жой, бу бирламчи бўлиндаги тиббиёт муассасаларидир.

Жумладан, Бағдод туманида рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича ўрганишларимиз жараёнида Фарғона вилояти бўйича Ёзёнов ва Бағдод туманлари рақамли технологияларни ривожлантиришда намуна сифатида танлаб олинганлиги маълум бўлди. Бу борадаги лойиҳалар доирасида “Электрон поликлиника” ахборот тизимини яратиш мақсад қилинган.

Биз “Ақлли тиббиёт” тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами билан танишиш учун туман ҳокимлиги мутасаддилари билан боғланганимизда мутахассислар жорий йилнинг биринчи чорагида тумандаги барча ижтимоий соҳа объектлари оптик талафи тезкор интернет билан таъминланиши маълум қилдилар.

Туманда тиббиёт ходимларига “Электрон поликлиника”, “Электрон шифона” ҳақида, платформанинг ишлаши борасида тушунақ бериш зарурлиги мавжуд. Республика бўйича 26 та шахар-туман рақамлаштириш бўйича пилот сифатида танлаб олинган бўлиб, Бағдод тумани марказий поликлиникасида рақамлаштириш ишлари ҳали бошланғич босқичда, дейиш мумкин. Ҳозирча техник жиҳатдан тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. 237 та замонавий компьютер ва 267 та планшетга буюртма берилган.

Рақамли технологияларни жорий қилиш, албатта, яхши. Лекин унча ҳам муҳим бўлган масалалар тиббиёт хизмати сифатини яхшилаш муаммолигича қолмоқда. Жойларда тиббиёт ходимлари ва сайловчилар билан ўтказилган суҳбатларимиз жараёнида ана шундай масалалар ўртага қўйилди. Масалан, яқинда Бағдод туманидаги 8-оилавий поликлиникада туман тиббиёт ходимлари билан ўтказган учрашув ва аҳоли билан суҳбатларимизда маълум бўлишича, соҳанинг йиғилиб қолган бир қатор муаммолари мавжуд бўлиб, улар, асосан қуйидагилардан иборат:

— **тиббиёт муассасаларига психолог штатини бериш зарурлигини ҳаёт исботлади. Чунки тезда асабийлашиб, тушунлиққа тушиб қоладиган одамлар бугун кўпчиликини ташкил этмоқда. Уларга ўз вақтида ва сифатли психологик ёрдам кўрсатиш зарур;**

— **физиотерапия хизматига қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисида эҳтиёж бормида қарамай, бирламчи бўлинда физиотерапевт штати йўқ бўлиб кетган;**

ШАРАФ СИЗГА, МАТОНАТЛИ ПОСБОНЛАР!



2-БЕТ Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан йўллаган байрам табригида ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта қўриб чиқилгани, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилгани алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бу эса жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. “Армия ва халқ — бир тану бир жондир” деган улғу гоёни амалда таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республикамиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва оқсоишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Гоёт мураккаб ва синовли тарзда мамлакатимиз, бутун халқимиз бошидан ўтган 2020 йилдаги оғир пандемия даврида ҳам ҳарбийлар қоронавирус балосини бартараф этиш борасидаги курашда олдинги сафда бўлдилар. Ҳарбий шифокорлар беморларнинг ҳаёти учун минглаб тиббиёт ходимлари билан елкама-елка фидойилик кўрсатган бўлсалар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирилари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия тизими вакиллари эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш, жамоат тартибини, метин интизомни сақлашга оид саъй-ҳаркатларда пешқадам бўлганини халқимиз кўриб, биллиб, ўзи гувоҳи бўлиб турди.

Мамлакатимиз ҳарбийларининг фидойилиги, мардлик ва матонат намунаси эл бошига яна бир оғир синовлар тушган давларда — Сирдарё ҳамда Бухоро вилоятларидаги нохуш вазиятларда тагин намоён бўлди.

Ватан ҳимоячилари байрамнинг қутлуг шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда кўплаб соҳа фидойилари учун янги турар жойлар қуриб, фойдаланишга топширилмоқда. Соҳа вакиллари ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг олий таълим олиши, ижтимоий муҳофазаси, ҳар жихатдан рағбатли борасида янги имкониятлар яратилган эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбарининг фармони асосида мамлакатимиз мустақиллигини мус-

таҳкамлаш, унинг мудофаа қобилиятини янада юксалтириш, юртимиз сарҳадларининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фидокорона ва сидқидилдан жонбозлиги учун ҳарбий йўналишдаги бир қатор вазирилик ва идоралар, тузилмаларнинг вакиллари Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Бу эса ўз жонфидо, ҳалол, сидқидилдан қилинган меҳнат мамлакатимизда доимо эътибор ва эъзозда эканининг яна бир ёрқин ифодасидир.

— Бу соҳага болаликдан қизикман, — деди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик фвзод командир, “Жасорат” медали соҳиби Муҳаммадсоли Дўстқулов. — Аксарият касбдошларим каби ҳарбийлик наинки касб, балки юрак даъвати, умр мазмуни, орият, шаъну шараф тисолига айланган муқаддас тушунчадир. Ўзи туғилиб ўсган юртни, ўз халқини, унинг мусофҳо осмонини асраб-авайлаш, хавфсизлигини таъминлаш, бизни оқ юбив, оқ тараган шу азиз Ватан тақдирига, унинг келажагига масъулият билан қараш шарафли бурчимиздир.

Залга ҳарбийлар, уларнинг ота-оналари, умр йўшдошлари, фарзандлари, яқинлари жам бўлган. Матонатли ҳарбийларни кўрганда уларнинг ўқтамлиги, метин иродаси ҳар қайси инсон жилла курса фарзандлари айнан улар каби мард, қатъиятли, саботли бўлиб камолга етишини орзу этиши аниқ. Дарҳақиқат, темир интизомни, Ватанга меҳр-муҳаббатни, ҳаётнинг, яқинларнинг қадрга етишни улардан ҳар қанча ўргансак арзийди.

... Жўшун наволар янграйди. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қуй-қўшқиларнинг авжи ҳам, завқу фазли ҳам ўзгача. Улар қалбга қувват, шуқуҳ, кўтаринчилик бағишлаши тайин. Тизимдаги бадий ҳамоалар, ашула ва рақс ансамбллари, оркестрларнинг ранг-баранг чиқишлари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги мусиқий дастур тантанали тадбирга самимият, ўзгача байрамона руҳ бағишлади. Дарҳақиқат, посбонларимизни ҳар қанча шарафласак, ахтиром кўрсатсак арзирли! Тантана иштирокчилари “Тинчлик учун!” қўшигини баралла ижро этдилар. Чиндан ҳам, посбонларимизнинг барча саъй-ҳаракати, умр мазмуни юртда мудом тинчлик барқарор бўлиши учун йўналтирилгандир.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

2021 йилдан бошлаб кейинги ўттиз йил миллий давлатчилигимиз, ўз байроғимизни сақлаб қолиш ёки давлат сифатида маҳв бўлиш ҳал бўладиган оғир бир даврдир. Бу танловни давлат ва миллат ўлароқ биз қилмадик. Бугунги дунёнинг, халқаро сиёсий ҳамжамиятнинг, инсоният тараққиётининг етиб келган нуқтаси сабаб бунга. Аслида, кейинги ўттиз йил юзлаб мамлакатлар тақдирида ана шундай оғир синовни бошдан кечириш билтилган. Глобаллашув, феминизм, жинсий озчилик ҳуқуқлари учун курашлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро сиёсий институт сифатида заифлашуви, давлатларнинг мудофаа баҳонасида тажовузга йўл қўйиши, сунъий очарчиликларни вужудга келтириш, эпидемия ва пандемиялар — буларнинг бари дунё тамаддунида хаос бошланганини кўрсатмоқда. Албатта, Вудро Вильсоннинг юз йил аввал айтган гапи бу хаоснинг вужудга келиш сабабларини очиклайди: “Замонавий дунёда урушларнинг сабаблари саноат ва коммерция рақобатида яширинганини билмаган эркак, аёл ёхуд гўдак бормикан дунёда?”. Кўриниб турибдики, замонавий дунёдаги хаос илдизи бундан юз йил аввал кўкара бошлаган. Хўш, бу хаос табиийи ёки сунъий?

“ЯНГИ ДУНЁВИЙ ТАРТИБ” ВА БИЗ

БОШҚАРИЛАДИГАН ХАОС

Вестфаль шартномаси принципларига асосланган дунёвий тартиб тўрт асрдирки, яхши ёки ёмон бўлсин, мавжуд бўлиб келди. Тўғри, Генри Киссенжер 2014 йилда чоп этган “Дунёвий тартиб” китобида шундай деган эди: “Ўзимизни алдамайлик: ҳақиқий идеал глобал “дунёвий тартиб” ҳеч қачон бўлмаган”. Аммо, дунё мамлакатлари тўрт асрдирки, Вестфаль шартномаси принципларига асосланган халқаро муносабатлар тизимида яшаб келмоқда. Кучлар мувозанатини сақлашга қаратилган бу дунёвий тартиб йигирма биринчи асрнинг бошига келиб дунёда сиёсий мувозанатни сақлаш учун етарли бўлмай қолди. Яна Генри Киссенжерга мурожаат қиламиз: “Биз айни дамда дунёвий тартиб концепцияси моҳияти тамомила англашилмаётган тарихий бир даврда яшаймиз. Хаос бизга (инсониятга) таҳдид солмоқда”. Урушлар, рангли революциялар, хаос... ва буларнинг бари бошқариладиган хаос — четдан туриб бошқариладиган урушлар, четдан бошқариладиган революциялар. Бугун ҳеч ким учун сир эмас: буларнинг барчасини дунёнинг исталган нуқтасига “экспорт” қилиш мумкин. Истанг Фарбога, истанг Шарққа. Чунки ҳамма ернинг ўз оғрикли нуқталари бор. Керакли микродо молиявий манба ажратилиш ва ижтимоий тармоқлар орқали “керакли” йўналишга жамоатчилик фикри йўналтирилса бас — масофадан туриб дунёнинг исталган нуқтасида олов ёқса бўлади. Қачонки, ижтимоий тармоқларнинг барчаси четдан бошқариладиган кейин...

Бугун бу хаос яратиш технологиялари ҳақида деярли барча хабардор. Парадоксал ҳолат шуки, улар шо бўлганига қарамай, ҳануз улар самарали қўлланилмоқда. Ва таассуфки, улар ҳануз натижа бермоқда.

Буларнинг барчасини кузатар эканмиз, бугун дунёвий тартиб ҳануз мавжудми, дея савол берамиз. Пандемияга қарамадан содир бўлаётган, давом этаётган уруш ва хаосни кузатар эканмиз, албатта, саволга жавоб аниқ: “Йўқ!”.

Дунёвий тартиб бу тинчликнинг асосидир, хаос эса урушнинг. Дунёвий тартибнинг зидди бўлмиш хаосни ҳозир деярли бутун дунёда кузатишимиз мумкин. Сурия, Ироқ, Украина, Беларусь, Қирғизистон, Афғонистон, Франция ва ҳатто бутун жаҳонга дунёвий тартиб ҳақида бонг урувчи Америкада ҳам хаосни кузатаймиз.

Хаос кўпчилик учун аянчли оқибатлар келтириб чиқариши, кўпгина қурбонларга сабаб бўлиши аниқ. Аммо хаосда ҳам худди урушдагидек — доимо мағлублар ва ғолиблар бўлади. 1930-йилларда бутун дунёдан қарздор бўлган Америка Иккинчи жаҳон уруши сўнгги — 1945 йил охирига келиб дунёвий кредиторга айлангани каби хаосдан ҳам катта фойда кўрадиганлар ҳаммаша мавжуд.

АСР ПАРАДОКСИ

Дунё сиёсатида парадоксал ҳолат вужудга келди. Дунё сиёсатида икки — бир-бирига тамомила зид тенденцияларнинг кучайиши кузатишмоқда: хаосни кучайтириш ва глобал ижтимоиятни тартибга келтиришга уришлар. Албатта, хаосни кучайтириш тенденцияси халқаро молиявий ва сиёсий беқарорлик билан боғлиқ. Иккинчи тенденция эса халқлар ва давлатларнинг ўзаро эҳтиёжлари ўсиши, глобал фуқаролик жамияти ривожланиши натижаси ўлароқ вужудга келмоқда. Инсониятнинг эртаси — бугунги халқлар ва давлатларнинг барқарор халқаро муҳитни шакллантириш учун мақсадли саъй-ҳаракати боғлиқ. Халқаро сиёсатнинг йирик тадқиқотчиликларидан бўлган Ж.Айкенберри таъкидлаганидек: “Халқаро муносабатларда энг катта масала бу тартиб масаласидир — у қандай шаклланган, қандай парчаланади ва қандай қайта шакллантирилади?”.

МИРЗИЁЕВ ФЕНОМЕНИ

Президент Шавкат Мирзиёев иқтидорга келган 2016 йилнинг декабридан бугунги 2021 йил январига қадар ўзбек жамиятида рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий трансформация жараёнларида баҳо берилса, мислсиз ўзгаришлар баробарида, кўпчиликнинг назаридан четда қолаётган глобал натижалар ҳам борлигини унутмаслик керак. Шубҳасиз, бугун инсоният ва дунё сиёсий олами пандемия сабабли асосий эътиборни уни бартараф этишга қаратган. Аммо пандемиянинг вужудга келиши дунёдаги сиёсий жараёнларни, айниқса, глобал геостратегик манфаатлар тўқнашуви жараёнларини тўхтатгани йўқ. Билъакс, дунёдаги кучлар пандемияни ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кўпроқ иқтисодий манфаатдор бўлиш қуроли сифатида ҳам ишлатаётгани бор гап. Дунё сиёсати таҳлилчилари бежиз Президент Шавкат Мирзиёевнинг регионал сиёсатда мисли қўрилмаган тўғри йўл тутат бошлаганини кўриб яхши маънода “ҳайқириб” юборгани йўқ. Ва айни дамда 2017 йилда бу сиёсатни “максимал даражада хато”, дея жар солишлар баъзи ташқи кучлар томонидан беқорга ташкил этилмади. Гап фақат дунёнинг ривожланётган мамлакатларидан бирида янги Президентнинг иқтидорига келиб, мамлакатда сиёсий ислохотларни бошлаб юборганида эмас эди.

Шавкат Мирмонович Мирзиёев 2016 йил иқтидорга келди. 2016 йил — Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғирлигини кўр-кўрона рад этиб, сиёсий муваффақиятлар сунъий яратилиб, унга маҳлиёлик авж олган бир давргина бўлиб қолмай, жаҳон сиёсий оламида хаос энг юксак даражага кўтарилган бир давр эди. “Рим клуби”, “Яқин Шарқ институти” каби ўнлаб халқаро таҳлил марказлари тинмасдан дунё молиявий олами ортида турган “кучлар” — вужудга келган хаосни бартараф этиш ва янги дунёвий тартибни вужудга келтириш учун учинчи жаҳон уруши бошланиши ҳақида бонг ураётган эди. Ва уларнинг аксарияти: “Яқин Шарқдаги дестабилизация бунинг учун етарли эмас, АҚШ ўз кучларини Афғонистондан олиб чиқиши билан у ердаги кучларни (эслатиб ўтаман, айнан ўша пайтда Суриядаги террорчи гуруҳларнинг 3500 га яқин аъзоси “ғаройиб” тарзда шимолий Афғонистон худудларида пайдо бўлиб қолган эди — эслатам муаллифники) турли томондан молиялаштириш бошланиб, Тожикистон ҳамда Ўзбекистонга террористик ҳужумлар орқали Марказий Осиёда олов чиқади ҳамда бу олов бутун дунёни қамраб олади”, деган прогнозни қилишганди.

2016 йил охирига қадар ҳаммаси айтилган шу сценарий бўйича давом этиб келди. Зотан, бу вайронкор сценарийни амалга ошириб, инсониятнинг бошига учинчи жаҳон уруши офати очилишига ҳамма шароит етарли эди: Афғонистонда ҳукумат ва Толибон гуруҳи зиддияти кескинлашган, устига-устак, “ғаройиб” тарзда Сурияда юрган террорчиларнинг шимолий Афғонистон худудидида пайдо бўлиши, Марказий Осиё ёраги бўлмиш Ўзбекистоннинг қўшнилари билан ўта зиддиятли муносабатлар билан... — Марказий Осиё тайёр порох бочкаси эди. Пилигини ёқиб шун гургут ҳам чақилган эди. Аммо, доим-гидек яратикнинг эмас, Яратгanning иродаси устун келди: Ўзбекистон раҳбарлигига Шавкат Мирмонович Мирзиёев келди. Шу боис, “Унинг давлат тепасига келиши Тангрининг инояти” дейишса, мен бунинг бўрттириш деб қабул қилмайман. Чунки, айнан Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг регионал ташқи сиёсатда кескин бурилиш қилиши дунёни уруш оловига бурқмоқчи бўлганлар режаларини барбод қилди. Ён қўшнилари билан тамомила янги форматдаги дўстликка, ўзаро тенглик ва ишончга асосланган очик муносабатлар ўрнатилиши, энг муҳими, бу ишларни ўта шиддат билан қисқа фурсатда амалга ошириши Марказий Осиё давлат-

ларини бир тану бир жонга айлантирди. Барча беш давлат шахсий эмас, умумий манфаатлардан келиб чиқиб қарор қабул қилишни бошлади. Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг энг юксак сиёсий муваффақияти — дунё сиёсий оламига “Афғонистонга муаммо эмас, имконият сифатида қараш”га ишонттира олгани эди. Бунинг учун Ўзбекистон Афғонистонга оид мисли қўрилмаган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиб, уларни ҳамкорликда амалга оширишни таклиф қилиши ва биринчи қадамни қўйиши муваффақият сабаби бўлди. Бу билан, энг аввало, Марказий Осиёни кейинги 50 йилда олови ўчмайдиган дунёнинг уруш ўчоғига айланишининг олди олинди. Мард бўлиб айтиш керак: бу — тўғри сиёсий тадбир билан миллионлаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, дунёни урушдан асраб қолиш эди. Бу — Афғон давлати ва миллати тарихи учун янги ва ёруғ саҳифа очилишига имконият яратиш эди. Шу нукта назардан, 2020 йил декабридаги Президент Мурожаатномасида Шавкат Мирмонович томонидан 30 июлни Халқлар дўстлиги кунини деб белгилаш, геостратегик жиҳатдан жуда катта аҳамият касб этади. Қўриб тургани бу қадам билан Президент Шавкат Мирмонович Мирзиёев Ўзбекистонни бутун Осиёнинг тинчликпарвар музокара ва келишувлар амалга ошириладиган худудига айлантирмоқчи. Зотан, узок бўлмаган эллик йиллик тарихда Тошкент кўпгина халқаро сиёсий келишувлар имзоладиган, учрашувлар ўтказилган худуд бўлгани маълум.

Айнан ана шу — инсоният тарихида ўта муҳим чигал вазиятга оқилона ечим толгани учун ҳам Президент Шавкат Мирзиёев халқаро ҳамжамиятнинг ҳақли эътирофига сазовор бўлди.

ФУКИДИД ТУЗОФИ

Қадимги грек тарихчиси Фукидиднинг қуйидаги иқтибоси тарих китоблари ва халқаро муносабатлар таснифидида кўп қўлланилади: “Айнан Афғонистон юксалиши ва Спартанинг бу юксалишдан қўрқуви урушни муқаррар қилди”. Кўплаб тарихнавислар Пелопоннесдаги урушнинг кўплаб сабабларини очиклашган. Аммо Фукидид бошқалардан фарqli ўлароқ, инсоният тарихидаги энг фалокатли ва сирли урушларнинг асосий сабаби энди шаклланаётган куч амалдаги иқтидорга таҳдид туғдириши фалокатли ва шафқатсиз урушни истисно тариқасида эмас, қонуният тариқасида вужудга келтиришни таъкидлаган. Бундай ҳолат миллоддан аввалги V асрда Афина ва Спарта, бир аср аввал Буюк Британия ва Германия ҳамда деярли шу даражада 1950 — 1960 йилларда АҚШ ва Совет иттифоқи ўртасида рўй берган. Фукидид тузоғи моҳиятан икки кучдан бири кучайгани сари иккинчиси билан уруш аниқ рўй беришига олиб келишни аңглатади. Бу қонуният барча соҳаларга оид. Аммо халқаро муносабатларда бу тузоқ ҳаммаша фалокатли аяқланади. Бугунги АҚШ ва Хитой савдо уруши, АҚШ ва Россия геостратегик ҳарбий рақобатининг кучайиши каби ҳолатлар инсоният бошига фалокатли оқибатлар олиб келиши мумкин бўлган кескин бир даврда яшаётганимизни аңглатади.

ПРЕЗИДЕНТ НЕГА ОСОН ЙЎЛНИ ТАНЛАМАЯПТИ?

Бундай вазиятда иқтидорга келган Президент Мирзиёев учун энг осон бошқарув усули унғача мавжуд бўлган тузумни давом эттириш эди. Аммо айнан (!) ўз миллатини ҳокимиятдан қўра кўпроқ севгани учун (ҳа, айнан севгани учун, чунки бундай конфидоликнинг бошқа сабаби бўлиши мумкин эмас!) миллатига нисбатан давлатнинг муносабатини кўрқмасдан ўзгартирди. Чорак аср зуғум билан товуш чиқармасликка ўргатилган халққа бемалол ўз изтиробу муамоларини баралла айтиш имконини — ҳуқуқини қайтарди. Миллатга доим

юқоридан қарашга, уни истаганидек қўйга солишга ўрганган давлат бошқарув аппаратини миллатнинг остонасига бориб унга хизмат қиладиган, унинг манфаатлари учун ишлайдиган халқ хизматчисига айлантирди. Ким нима эса десину, аммо қоратанлиларга оид қонун қабул қилингандан кейин унинг ҳаётдаги ижросини амалга татбиқ қилиш учун АҚШдек давлатга юз йил кетганида, Ҳукуматни халқ хизматчиси қилишга Мирзиёев тўрт йилда эришгани ҳазилакам гап эмас. Бу учун улкан жасорат ва қатъият керак эди. 2020 йил декабридаги Парламентга Мурожаатда Президент Мирзиёев Шавкат Мирмоновичнинг

ҳокимлик институти тўғрисидаги 27 йил аввал қабул қилинган қонуннинг бугунги кун ислохотлари талабларига мутлақо жавоб бермаслигини, уни тубдан ислоҳ қилиш кераклигини таъкидлаши бошқарув тизимининг янада халқчил бўлиши учун трансформация жараёни қутилишини аңглатади. Президент ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш дардидаги одам бўлганида халқ учун фойдали бўлган бундай ислохотларга қўл урмаган бўларди. Айнан шу сабабли ҳам халқроқ экспертлар Президент Мирзиёевни миллатпарвар Президент, деб эътироф этиб келмоқда.

АЧЧИК САВОЛЛАРГА ОЧИК ЖАВОБЛАР

“Оқ ва қора” муаллифлик кўрсатувимга юзлаб саволлар келиб турди. Айниқса, Президентнинг 2020 йил декабрь ойидаги Парламентга Мурожаатидан сўнг жуда кўп аччиқ саволлар келди. Улар орасида энг кўп такорлангани қуйидагилар: “Учинчи Ренессанс бўлишга ишонасизми?”, “Ислохотлар нега кўринмаяпти?”, “Президент ҳақида ёзган китобингиз нега чиқмади?” ва энг кўп такорланадигани “Халиям Президентга ишонасизми, нега?”.

Фурсатдан фойдаланиб, мақоланинг сўнгсўзи ўрнида ушбу саволларга шахсан жавоб бериб кетмоқчиман:

— Учинчи Ренессанс даврининг пойдевори бу миллатимизнинг генлариди ва руҳий қудратиди. Шахсан мен худди Президент Мирзиёев каби миллатимизнинг интеллектуал ва руҳий қудратига ишонаман. Президент ўтган салкам беш йил давомида руҳий қудратининг, миллий интеллектуал салоҳиятнинг ўзини намоён этиши учун барча шароитларни яратиб берди. Энг асосийси, Президент халқнинг эътиромини ўз ўрнига қўйди;

— Ислохотларни ҳаммаша кўзи очиклар кўради. Ўзгаришларни кўргиси келмаганлар кўзини юмиб олиб, кўрмадими, деб тўраверади;

— Президентнинг 2016 йил декабрь ва 2019 йил март оралиғидаги фаолияти таҳлилига оид ёзилган китобини чоп этишимга ҳеч қандай таъиқ йўқ. Китобни чоп этиш учун молиявий имкониятим йўқлиги сабабли чоп этилмапти.

Энди энг охириги саволга бафуржа тўхталсак:

Ҳа, мен қамалиб чиққанамга қарамадан, ҳануз Президентимга ишонаман. Нега? Чунки, биринчидан, менинг озод этилишим, бу — сўз эркинлиги, демократик принципларнинг — авторитатик бошқарув принциплари устидан, Президент демократик сиёсий иродасининг эски чорак асрлик доғлардан устидан шубҳасиз ғалабаси эди. Иккинчидан, Президент Мирзиёев шахс сифатида нодир ва беназир тафаккурли шахс эканини яхши биламан. Учинчидан, Жон Фитцджеральд Кеннедининг бир гапини эсга оламан: “Ё инсоният урушларга барҳам беради ёки уруш инсониятга барҳам беради!”. Шавкат Мирмонович Мирзиёев ўз сиёсати билан дунё сиёсат майдонида урушларга барҳам беришни глобал сиёсатчи сифатида тарихга ўз номини ёза олди. Жаҳонда янги дунёвий тартибни вужудга келтириш жараёни бошланган кейинги ўттиз йилда биз ўз давлатимизни, байроғимизни, динимизни, тилимизни, Ватанимизнинг ҳар қарич тупроғини, келажакимизни асраб қолиш учун Президент Шавкат Мирмонович жуда узокни кўзлаб геостратегик энг тўғри қарорлар қабул қилаётганини кўпчилик қатори мен ҳам аниқ ва тиник кўриб-билиб, тан бериб, бундан фахрланиб яшайман.

Оллоҳ Ватанимизни ва давлатимизни ўз паноҳида асрасин!

Саид-Абдулазиз ЮСУПОВ,
халқаро журналист,
мустақил таҳлилчи

ПАРТИЯЛАР ХАЛҚНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲУРМАТИ ЭЪТИРОФИ ВА ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШИ ЛОЗИМ

1-БЕТ

Мурожаатномада ўринли таъкидланганидек, “Пандемия бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам қутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бу-хоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг бир-галикдаги савий-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз”.

Дарҳақиқат, манаман деган ривожланган давлатларни ханузгача гангитиб, эсанкиратиб қўяётган бу офат ва унга қарши курашишда халқимизнинг жипслиги, ҳукуматнинг ҳозиржавоблиги туфайли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Шукрки, юртимизда осойишта ҳаёт ҳукм суриб, одамларимизнинг тинчлиги таъминланмоқда.

Аслида бу қонларга эришишнинг ўзи осон кечмади. Жумладан, пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, давлат қорхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик

субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари берилиб, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонқуяр шифокорлару карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга алоҳида миннатдорчилик билдирган Президентимиз кўпчиликнинг кўнглидаги гапни айтди.

Асосийси, Мурожаатномада акс эттирилган масалалар бизнинг сиёсий партия Сайловолди дастурига қўл томонлама мос тушди. Бу ҳақда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилишида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Сайловолди дастурида акс эттирилган аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги тўб ислохотларни янги босқичга кўтариш, айниқса,

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, таълим тизимидаги педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнати-ни рағбатлантириш, олий таълимнинг қамрови ва сифатини ошириш, олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилиши сингари масалаларнинг илгари сурилгани партиядошларимизни бефарқ қолдирмади десак, муболаға бўлмаса керак. Зотан, сизу бизнинг маслак ва мақсадимиз, ҳамма вақт таъкидлаб келаётган гоёларимиз юқори даражада тан олингани ва бу борада олдинга силжишлар кўзда тутилгани партиядошларимизнинг фахру ифтихорига сабаб бўлди.

Шунингдек, қўшма йиғилишда Президент томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатнома таҳлил этилди, унда акс этган масалалардан келиб чиқиб, партия олдига турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, партияимиз вакиллари нафақат мамлакатда амалга ошири-

лаётган ислохотлар иштирокчилари, балки уларнинг ташаббускорлари сифатида бошқаларга муносиб намуна кўрсатиш, ўз электоратимизга берган ваъдаларни, Сайловолди дастури-мизни тўла ва самарали бажаришга ҳаракат қилиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кези келганда таъкидлаш зарур, Мурожаатномадан келиб чиқиб ижтимоий адолат, илм-фан, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини ёки аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва уни дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш бўйича амалий ташаббусларни илгари суришда фаоллигимизни сўсаятирмаслигимиз лозим. Қолаверса, жойларда аҳолининг кенг қатлами билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишда маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини танқидий жиҳатдан қайта қўриб чиқишимиз керак.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Президентимиз Мурожаатномасида илгари сурилган фикрларда, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишда биз, сиёсий партиялар томошабин эмас, балки фаол иштирокчи бўлишимиз, халқимиз, электоратимиз ҳурмати, эътирофи ва эътиборини қозона олган жамоат ташкилотига айланмоғимиз шарт.

2021 йилда олдимизда ҳар қачонгидан ҳам зарур, ўта муҳим вазифалар турибди. Албатта, уларга эришиш осон бўлмайди. Ҳаётиимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликларимиз ҳам етарли. Жойларда ишни тўғри ташкил этмаслик, айрим раҳбарларда савия ва малака етишмаслиги, бюрократия, коррупция ҳолатлари, лоқайдлик ва бепарволик каби нуқсонлар ҳам борлиги сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан

Меҳриноз АБДИЯЗОВА, Шовот туман кенгаши раиси, “Ёшлар парламенти” аъзоси



Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Шу сабаб давлат бошқарув органларида ёшлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ёшлар масаласига алоҳида аҳамият берилгани, айниқса, 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номланиши бежиз эмас.

Куч-ғайратимизни сафарбар этамиз

Мурожаатномада қайд этилганидек, иқтидорли ўғил-қизларнинг юқори технологиялар ва замонавий билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда етук миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида пойтахтда алоҳида университет ташкил этилиши режалаштирилаётгани, ушбу олийгоҳга хориждан етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия бериш мўлжалланаётгани биз учун муҳим ангиллик бўлди.

Жорий йилдан олий ўқув юртиларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказиш ҳамда аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилиши ҳам давлатимизда ёшларнинг таълим олишига бўлган юксак эътибор намунасидир.

Мамлакатимизда 2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни ўй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади. Бундай эзгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг ташкил этилиши юртимизда инсон кадр-қимматининг нақадар устунлигини ифода этади.

Мурожаатномда илгари сурилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар юрт келажаги бўлган биз каби ёшларга катта масъулият юклайди ва айти пайтда мамлакатимиз ёшлари ҳам бир тану бир жон бўлиб, бор куч-ғайратимизни, азму шижоатимизни Янги Ўзбекистон тарақиёти учун сафарбар этамиз.

“МУРОЖААТНОМА: МОҲИЯТ ВА ТАКЛИФ”

шиори остида тарғибот ҳафталиги ўтказилди

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан “Мурожаатнома: моҳият ва таклиф” шиори остида ўтказилган тадбирлар тарғибот ҳафталиги сифатида эътироф этилди. Энг муҳими, ҳафталик доирасидаги ҳар бир тарғибот тадбири шунчаки йиғилишлар ёки мажлислар шаклини эмас, балки уйма-уй юриш жараёнини ўзида ифодалади. Ташкилотчилар эса партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари бўлди.

Ҳар бир депутат ўзи сайланган округ маҳаллаларидаги хонадонларга ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномасида акс этган асосий тушунчалар, ислохотлар

ва чора-тадбирларнинг ижроси бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини олиб борди.

Дастлабки манзил Гулистон шаҳри бўлди. **Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутатлари Носир-**

жон Эгамбердиев, Карим Бозорбоев, Эркин Абдурахмонов, Абдиқул Отабоевлар ҳудуддаги сектор раҳбарлари билан биргаликда шаҳарнинг “Маънавият”, “Маданият”, “Боғишамол” ва “Сайқал” маҳаллаларида бўлиб, аҳоли вакиллариغا Мурожаатномада акс этган устувор вазифаларнинг асосий йўналишларини изоҳлаб беришди.

— Айниқса, маҳаллаларда ташкил этиладиган ўқув курслари ва унда иштирок этганларга ажратиладиган пул маблағлари ҳақида аҳолига тўғри тушунтириш беришимиз зарур.

Чунки авваллари бундай тизим бўлмаган. Шу пайтгача бизга ишонч билдирган сайловчиларимиздан келиб тушаётган асосий мурожаатлар ишсизлик масаласи билан боғлиқ эди. Ушбу тизим орқали бу муаммога ечим топиш осонроқ бўлади. Фақатгина аҳолига унинг тартиб-қоида-сини тўғри тушунира олсак бўлгани, — дейди ҳафталикнинг фаол иштирокчиларидан бири, халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Носиржон Эгамбердиев.

Янгиер педагогика коллежи мезбонлик қилган мулоқотда

маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан Мурожаатномада ёшларни ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топишда партия шаҳар кенгаши ва депутатларнинг ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш асосий мавзу бўлди. Натижада Янгиер шаҳридаги маҳаллалар кесимида ёшларни ўйлантираётган масалалар ва уларнинг ечими билан боғлиқ “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, тарғибот тадбирлари бошлаб юборилди.

Маҳфират ХУДОЙБЕРДИЕВА, Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

АМАЛДОРГА МУРОЖААТ:

шояд гап эгасини топса

Маълумки, 2020 йил 29 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома йўллади.

Ҳурматли амалдор! Мурожаатномани Олий Мажлисга қонун ижодкорлиги, Ҳукуматга ижро ҳокимияти, ҳокимларга ҳудудларнинг раҳбари бўлгани учун, халққа эса якунига етган йилда юртимизда амалга оширилган ислохотлар натижаси ва 2021 йил аҳоли манфаати кўзда тутилган ҳолда режалаштирилаётган ислохотлар қўлами билан таништириш, деб ҳисобламанг.

Чунки давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини зангори экран орқали кўриб, эшитиб, сўнгра маттни мутолаа ва мулоҳаза қилиб, ўзини Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси учун дахлдор деб билган ҳар бир юртдошимиз, биринчи навбатда, айниқса, катта-кичик лавозимда ўтирган амалдорлар учун дахлдор, деган хулосага келдик.

Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Президентимиз аксарият амалдорлар фаолиятидан қониқмаётганига ғувоҳ бўламиз.

Бунинг исботи сифатида, Мурожаатномада таъкидланган қуйидаги фикрларга эътиборингизни қаратинг: **“Кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳад-**

дан ташқари марказлашган. Уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини тасдиқлаш ҳолатлари мавжуд. Вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайди. Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган. Афсуски, бундай раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш би-

лан овера бўлиб қолмоқда...

Жойларда ишни тўғри ташкил этмаслик, айрим раҳбарларда савия ва малака етишмаслиги, бюрократия, коррупция ҳолатлари, лоқайдлик ва бепарволик каби нуқсонлар ҳам борлиги сир эмас...

Афсуски, баъзи раҳбарлар фаолиятида бундай салбий ҳолатлар учраб турибди. Энг ёмони, айрим раҳбарларнинг ўз тизимларида коррупция ва бюрократияга қарши кескин курашмаётганликларида номоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, коррупция давлат ривожланиши ва халқ фаровон ҳаёт кечиришига тўсқин бўладиган, аҳолини камбағалликка гирифтор этадиган офатдир, балодир!

Шунинг учун муҳтарам Президентимиз Мурожаатномада **“Коррупциянинг ҳар қандай қиринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тар-зимида айлангани шарт. Бу иллатга қарши кура-шишга барча давлат орган-лари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари,**



Бахтиёр ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП эксперти, ҳуқуқшунос

оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур. Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан мурасасиз бўлиш гоёсини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга факат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим” деб таъкидлади.

Коррупция нима ўзи? Унга қарши қандай курашмоқ керак?

“Коррупцияга қарши кура-шиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдалани-ши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга ҳилоф равиш-

да тақдим этиш, деб тушунча берилган.

Демак, мансабдор шахс томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш орқали содир этилган жиноят — коррупция ҳисобланади.

2020 йил коронавирус пандемияси деган офат бутун дунёни таҳлика ва ларзага солди. Минг фбсуслар бўлсинки, шундай оғир шароитда ҳам халқ ризқига кўз олайтирган, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган, миллиардлаб давлат мулкни ўзлаштирган айрим ноинсоф амалдорлар учради.

Маълумки, Хитой Халқ Республикасида коррупция жиноятини содир этганларга отиб ўлдириш жазоси қўлланилади. Эътиборли жиҳати, ҳаттоки шу ўқ нархи ҳам давлат харажати-дан қопланмайди, балки ҳукм қилинган шахс харажати-ни қоплагунча меҳнатга жалб этилади.

Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигида пора олган мансабдор шахсга нисбатан овоздликдан маҳкум қилиш жазосидан ташқари, олган пора суммасининг 10 баробаридан 100 баробаригача миқдорда молиявий жазо чораси қўллаш ҳам кўзда тутилган.

Яна бир гап. Чет давлатларда миллиардерлар қонуний йўл билан топган маблағларининг асосий қисmini хайрия тадбирларига сарфлаб, фарзандларига озроқ суммани васият қилиб қолдиради.

Узоққа бориб нима қиламиз, ҳамюртимиз Алишер Усмонов ҳам ҳалол йўл билан тўплаган бойлигининг асосий қисmini хайрия тадбирларига сарфлаётганига ғувоҳ бўлиб турибмиз.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик де-

ганларидек, миллиардерлар ўз меросхўрларини ўзлари меҳнат қилиб, ҳалол йўл билан пул топишга ўргатиш мақсадида шундай йўл тутишади.

Юқорида баён

этилганларга кўра:

- коррупцияга қарши кескин чора кўриш ва коррупционерларга нисбатан оғирроқ жазо чорасини қўллаш;

- етказилган зарарни бир неча баробар миқдорда ундириш;

- қўшимча жазо сифатида давлат идораларида ишлаш ҳуқуқидан умрбод маҳрум этиш;

- уларга нисбатан амнистия, афв этиш, шартли озод қилиш каби энгиллик беришдан чораларни қўлла-маслик;

- раҳбарларнинг билим ва малакасини ошириш мақса-дида уларни ўқитиш;

- масъулият ва жавобгар-лигини ошириш;

- давлат хизматчиларининг чет мамлакатлар банкда ўзи, турмуш ўртоғи ва фарзандлари номига ҳисоб-ракам очишни таъқиқлаш;

- бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар бера-ётган қарзлар ва молиявий ёрдамлар сарфланиши

бўйича ошкораликни таъмин-лаш, маблағлар мақсадли сарфланиши устидан Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти, вазирлик ва идоралар томонидан ички ёки ташқи аудит ўтказиш орқали доимий назорат ўрнатиш;

- ҳар бир фуқарода кор-рупцияга мурасасизлик қайфиятини шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида коррупция, бюрократия каби мавзуларга бағишланган кўрсатув, эшитириш ва мақолаларни қўпайтиришни таклиф қила-миз.


Жаноб амалдор! Сиздан бор-йўғи халқимиз ва Прези-дентимиз ишончини оқлаш, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзингизни ҳалоллик вақина-си билан эмлаб, ўзингиз раҳ-барлик қилаётган тизимда коррупция, бюрократия каби салбий иллатларга барҳам бе-риш, лавозим ваколатидан фойдаланиб, ўз юртдошига қилинадиган адолатсизлик-зўлмдан воз кечиш, очкилик ва ошкораликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш та-лаб этилади.

Ҳадисларда “Хукмдорлар Аллоҳнинг ердаги соясидир. Ким уларни эъзозласа, Аллоҳ уларнинг ўзини ҳам қадрлай-ди, ким ҳукмдорларни менси-маса, Аллоҳ бундай инсонлар-ни хонавайрон қилади”, де-йилган. Халқ ва Президентимиз Сизга ишонч билдириб, у ёки бу раҳбарлик лавози-мига сайлаб, тавсия қилиб ёки тайинлаб, бирон-бир лаво-зимга қўйган экан, бундай ишончнинг ўзи катта бахт, улугъ шарафдир! Бу ишончнинг қадрига етинг!

“Янги Ўзбекистонда эр-кин ва фаровон яшайлик!” деган эзгу мақсадга эришиш учун барчамиз бир мақсад ат-рофида бирилашиб, қонунлар-га сўзсиз итоат этиб, масъу-лият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, халқимизга фидокорона хизмат қилайлик.

Биз бугун буюк аждодлари-миз билан фахрланганимиз-дек, келгуси авлод вакиллари ҳам биздан фахрланишсин. Эртага фарзандларимиз шу юртда яшашини унутманг!

Бирламчи тиббиёт муассасалари муаммолардан қачон қутулади?



Гулбаҳор САИДГАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

— туманда эмлаш ишлари тўхтагани йўқ, бироқ эмловчи штати йўқ бўлиб кетган. Уни тиклаш ҳам ҳаётий зарурат;
— доя штати учун бор-йўғи 0,75 ставка бўлишига қарамасдан, у жойларда 22 минг аҳолига хизмат кўрсатишга мажбур бўлмоқда. Ваҳоланки, ҳозирда шунча сондаги аҳолига 2 ставка штат ажратиш зарура-ти бор. Доя штатида ишловчи ходимнинг неча нафар аҳолига хизмат кўрсати-ши кераклиги норматив хужжатларда белгилан-маган, бу бўйича аниқ стандартларини белги-лаш керак;
— муолажа ҳамшираси штати ҳам қисқартирилган бўлиб, аслида аҳолига 2 ставка штатда хизмат кўрсатиш эҳтиёжи бор;
— кишлоқ врачлик пунктларида стоматолог штати ҳам бекор қилин-ган бўлиб, унга иши туш-ган аҳолининг сарсонгар-чилиги давом этмоқда;
— фойдаланилган тиб-биёт буюмларини зарар-сизлантириш зарур бўлса-да, бирламчи бўйида ав-токлав мосламасига масъул шахс штати йўқ;
— шаҳар ва туманлар-да ишловчи тиббиёт ходимларига ойлик маош белги-лашда фарқ юзага келган. Яъни туманда ишловчи ши-фокор бир хил вазифа бажарса-да, шаҳардаги шифо-кордан кам маош олади. Бу эса кадрлар қўнимсизлиги ва коррупцияга йўл очиб берувчи омил ҳисобланади. Масалан, оддий шифокор 1 ставка учун 1 700 000 — 1 800 000 сўм ойлик маош олади. Бу олий тоифали ҳамшира, патронажлар маошидан кўп фарқ қилмайди;
— “Тез ёрдам” бригадасига кичик тиббиёт ходими штати зарур. Баъзида беморлар билан юзага келади-ган ҳолатларда уларга эҳтиёж борлиги сезилмоқда.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш кераки, тиббиёт хо-димларига штат белгилаш, ойлик маош тўлаш масаласи бўйи-ча мавжуд тартибларни янгилаш зарурати пайдо бўлган.
Биз тилга олган масалалар тиббиёт соҳасининг бир жиҳати, холос. Агар тиббиёт ходимига барча зарур шароитлар яратил-са, халқимиз учун хизмат қилиш сифати ошади. Рақамли техно-логияларнинг жорий қилиниши, электрон платформанинг яра-тилиши эса, ўз навбатида, ҳам тиббиёт ходимларига, ҳам аҳолига қўлайлик сифатида хизмат қилади. Аҳоли саломатлигини мус-таҳкамлаш бежиз давлат дастури даражасига кўтарилганин йўқ.
Биринчи навбатда эътиборни халққа хизмат қилувчи бир-ламчи бўғин тиббиёт ходимларининг тўлақонли фаолияти учун етарли шароитни яратишга қаратишимиз зарур. Сайловчи-ларнинг муножаатларида янграётган масалалар, яъни худуд-ларда, чекка кишлоқларда тиббий хизматнинг сифатсизлиги, тиббий хизмат учун узок худудларга бориб сарсон бўлиша-ётганлигидан шикоятлар ечимини кутаётган муаммолар бор-лигини билдиради.

Муносабат

Қонун устуворлиги — АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

Адолатни қарор топтириш, адолатпарварлик гоялари асосида фаолият юритиш ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай жамиятнинг асосий тамойили ҳисобланади. Ҳар бир давлат адолат гоясини ўзига асос қилиб олар экан, шу орқали халқининг осойишталигини таъминлаш, тинчли-гини сақлаш, низоларни бартараф этиш, тараққи-ёт йўлини белгилаб олиш имкониятига эга бўлган. Шу сабабли куч — адолатда гоёси барча даврлар ва давлатлар учун юксак аҳамият касб этган.

Бугун ҳам давлатчилик-нинг юксаклишини адолат тамойилисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун Республикамиз Пре-зидентни Шавкат Мирзиёев “Адолат — давлатчилик-нинг мухтакам пойдево-ри”, дея эътироф этган-ди. Мустаҳкам пойдево-рни барпо этиш, адолати қарор топтириш эса ҳуқуқ соҳасини юксалтириш, қонун устуворлигини таъ-минлаш тўғрисида юзага келади. Кейинги йиллар-да мамлакатимизда қонун устуворлигини таъмин-лаш, инсон ҳуқуқ ва эр-кинликларини ҳимоя қилиш борасида қўллаб-янгиланишлар, ўзгариш-ларни ўз ичига олган, қонунчиликни янада му-камаллаштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди. Фақат сўнгги 4 йил ичида қонун-чилик базасини тўла шакл-лантириш, ҳуқуқ соҳаси-ни либераллаштириш, судлов тизимида шаф-

фофликни юзага келти-риш, адолатпарварлик та-моийиларини қарор то-птириш ва шу каби қўллаб-масалалар билан боғлиқ ҳолда 40 дан ошиқ қонун, фармон, қарор ва фар-мойишлар қабул қилинди.
Эҳуд ўтган 2020 йилда инсон ҳуқуқлари тўла тўқис таъминланиши йўлида суд қарорларини қайта кўриш институти ташкиллаштирилиши му-носабати билан Ўзбекис-тон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Жиноят про-цессуал, Иқтисодий, про-цессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимча-лар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳалари тай-ёрланди, қабул қилинди.
Табиики, ҳаёт ўзгарга-ни, тараққиёт кучайгани, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг микёси кенгайгани сайин жиноят ва жазони баҳо-

лашда янги мезонларни юзага келтириши шубҳа-сиз. Бу эса суд-ҳуқуқ ти-зимида ҳам янгиланишлар бўлишини талаб этади. Эътибор беринг, шу пайт-гача вилоят судлари чи-қарган қарор устидан бе-рилган шикоятлар шу суд-ларнинг ўзида қўриб чи-қилар эди. Яъни, суд иши-дан қониқмасангиз, яна шу судга ишингиздан қониқмадим, деб шикоят ёзардингиз. Бундай ҳолда, албатта, суд вакиллари жиноят ишини қўриб чи-қишда ўзининг аввалги чи-қарган ақрини тасдиқ-лашга уринарди. Шикоят-чи эса бу ҳолатдан қониқ-масди. Натигада бир жи-ноят иши 3-4 марта, ҳатто 6-7 мартагача судларда қайта-қайта қўрилар эди. Баъзан ҳақ-ноҳаққа, ноҳақ ҳаққа айланарди. Бир неча ўнлаб одамлар йиллар да-вомида сарсон бўларди, инсон ҳақ-ҳуқуқларига зиён етарди. Тасаввур қилинг, 2019 йилда вило-ят судлари томонидан қабул қилинган 13 мингта қарор Олий суд томони-дан ўзгартirilган ёки бе-кор қилинган.

Демак, ҳаётнинг ўзи суд-ҳуқуқ тизимида бун-дай талабга жавоб бер-майди диган қонун-қоида-ларни бартараф қилишни заруратга айлантирди. Шу сабабли мамлакатимиз

Таҳририятимиз манзилига келиб тушаётган ариза, шикоят ва таклифларни мазмун жиҳатдан таҳир қилмасдан, борица чоп этиш анъанага айланиб улгурганлиги кўпчи-ликка маълум.

Мақсад — газеталарга қилинаётган муножаатларда илгари сурилаётган фикр ва маълумотларга тегишли давлат ва жамоат ташкилотларининг эътиборларини қаратиш, уларнинг ечимини кутаётган масалалар юзасидан тегишли хулосаларини муштариёла-римизга етказишдан иборат. Қолаверса, таҳририят хатларда тилга олинган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларгагина таяниб, ўз хулосасини беришдан тийилади, яъни у ёки бу томоннинг “оқловчи” ёки “қораловчи”си ёҳуд “судья”си бўлишни жоиз деб билмайди. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси, бу, аввало, аҳо-ротни олиш ва тарқатишни назарда тутишини ёдимиздан чиқармаймиз. Хулоса ва ҳуқуқий баҳони эса тегишли ташкилот ва муассасалар муножаатларда келтирилган важларни атрофлича ўргангачина беришига умид қилиб қоламиз.

Таҳририятга хат

“Тадбиркор эдик, абгор бўлдик...”

Хурматли таҳририят ходимлари!
Мен газетангизнинг ҳар бир сонини мунтазам кузатиб бораман, унда ёритилаётган мақолаларни диққат билан ўқиб чиқаман. Газета саҳифаларидаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мақола-ларни ўқиб, нихоят сизларга муно-жаат этишга аҳд қилдим. Агар ме-нинг муножаатимни эътиборсиз қолдирмасдан адолат қарор топиши-да ёрдам қилсангиз, нафақат ме-нинг, балки туманимиздаги ўнлаб ҳонадонларнинг қора қозони қайна-шига ёрдам берган бўлардингиз.

Маълумки, Президентимиз биз, тадбиркорларга жуда катта эътибор бериб, ўз чиқишларида худудларда иш ўрни яратяётган тадбиркорларни керак бўлса бошимга кўтараман, дей-дилар. Ҳатто тадбиркор йўлига тўсиқ бўлиш давлат сиёсатидаги ҳиёнат си-фатида баҳоланишини қайта-қайта таъкидлайдилар. Минг афсуслар бўлсинки, ҳамма жойда ҳам тадбир-кор-ишбилармонлар қўллаб-қувват-ланмаяпти. Аксинча, айрим ҳолатлар-да уларнинг йўлларига сунъий тўсиқ-лар қўйилиш давом этмоқда. Мисол учун, мен раҳбарлик қилаётган “Elegant Expert Savdo” МЧЖда мав-сумий 40 нафар ишчи ишлар эди. Мана, яқин бир йилдики улар иш-сиз. Сабабини куйида батафсил ёзишга ҳаракат қиламан.

Биз Қирғизистон Республикасида рўйхатдан ўтган тадбиркор Курбан-беков Акжол Ёсеналиевич билан 10.02.2020 йилда тузилган 10/2-сон-ли импорт шартномаси асосида жами нархи 50 148,34 АҚШ долларига тенг бўлган Қирғизистон Республикасида етиштирилган 104 тонна 905 кило-грамм олма маҳсулотларини олиб келдик. Ушбу маҳсулотлар қонуний равишда божхона пости орқали ўтган. Фарғона вилояти божхона бошқарма-сининг “Қирғули” ТИФ божхона пос-тига мазкур маҳсулотларнинг божхо-на расмийлаштирувини амалга оши-

риш учун барча хужжатлар ўз вақти-да тақдим этилган. Олма маҳсулот-лари божхона ходими кўрғи остида фото ва видео ёзувлар билан юк сақ-лаш омборимизга туширилган. Бу ҳақда барча хужжатлар божхона маъ-лумотлар базасида мавжуд. Қир-ғизистон Республикаси Савдо-сано-ат палатаси томонидан берилган KGUZ286104, KGUZ286095, KGUZ-286128-рақамли “СТ-1” шаклдаги ке-либ чиқиш сертификатларининг асл нусхалари тақдим этилган бўлса-да, божхона ходимлари томонидан ушбу сертификатлар шубҳали деб топилиб, олма маҳсулотларига божхона бож-нинг оширилган ставкаси қўлланилиб, жами 491 352 139 пул маблағлари тўлаш талаб этилди. Аслида биз амалдаги қонун талабларига кўра, 74 437 138 сўм давлат божни тўла-шимиз лозим эди. Божхона ходимла-ри эса биздан қонунга ҳилоф равиш-да ортиқча 417 352 139 сўм унди-ришди. Тўғри, биз ўша пайтда бу маб-лағни тўлашдан бош тортишимиз мумкин эди. Унда омборхонада сақ-ланаётган олмаларнинг сифати бузи-либ, маҳсулотдан ажралиб қолар эдик. Буни жуда яхши тушуниб тур-ган божхоначилар бизга “ҳозирча кўрсатилган суммани тўлаб туравер-инглар, Қирғизистон томонга СТ-1 сертификатли бўйича сўровнома жўнатганимиз, агар барча хужжатлар тўғри бўлса, ортиқча тўланган пулла-рингизни ўша қўннинг ўзида қайта-риб оласизлар”, дейишди. Уларнинг оғзаси сўзларига ишониб, қарз-қаво-ла қилиб бўлса-да, юқоридagi маб-лағларни тўллаб, топширдик.

Хуллас, божхоначилар СТ-1 серти-фикатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида Қирғизистон Республика-си Божхона хизматига бир неча бор сўровнома юборди. Сўровномаларга Қирғизистон Республикаси Божхона хизмати Баткен вилояти Қадамжой райони Қирғиз-Қиштак айил-аймак раҳбарияти томонидан расмийлашти-

рилган 128, 129-сонли жавоб хатла-ри ва уларга илова қилинган олма мевааларининг айнан Қирғизистон Республикаси фуқароларидан сотиб олинганлиги тўғрисидаги маълумот-ларни ҳам, СТ-1 сертификатлари Қир-ғизистон Республикаси Савдо-сано-ат палатаси томонидан берилганлиги-ни тасдиқлаб ва ҳатто ушбу сертифи-катларнинг акт-экспертизаларини ҳам электрон почта орқали жўнатишди.

Шундан сўнг биз неча бор Фарғона вилояти божхона бошқарма-си бошлиғи номига ортиқча тўланган (ундирилган) пулларимизни қайта-ришда амалий ёрдам сўраб муножа-ат қилдик. Минг афсуслар бўлсинки, орадан ўн бир ой ўтаётган бўлса-да, пулларимизни қайтаришдан турли ба-ҳоналар билан бош тортиб келишмоқ-да. Ҳозирги кунда Эрон Ислom Рес-публикасида Қирғизистон Республи-касига Ўзбекистон орқали транзит бўлиб 14.2 минг тонна олма маҳсуло-ти ўтган, шу олмаларни Қирғизистон қандай реализация қилганлиги ҳақида-ги сўровимизга жавоб келмаяпти, де-ган ваз билан бизнинг ҳуқуқларимиз-ни поймол қилиб келишмоқда.

Энди ўзингиз айтинг, **Эрон билан Қирғизистон ўртасидаги олди-сот-дига бизнинг қандай алоқамиз бор?!** Қайси қонунда икки хори-жий давлат ўртасидаги олди-сот-дига ҳар икки мамлакатга ҳам алоқаси йўқ тадбиркор жавоб бе-ради, деган модда бор?!

Афсус-ки, вилоят божхона бошқармаси амалдорлари орасида бизнинг ҳақли саволимизга жавоб беради-

ТАҲРИРИЯТДАН: Юртимизда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун барча зарурий шарт-шароитлар ортиғи билан яратил-ганлиги ҳусусида кўп ва ҳўб ёзамиз, гапирамиз. Бироқ, тааажжубланарли ҳолат шундаки, таҳририятимизга айнан тадбиркорлардан келаятган шикоят-аризалар сони ортса ортмоқдаки, асло камаймаяпти. Уларни ўқий туриб, баъзан киши ҳайратдан ёқа ушлайди: наҳотки айрим жой-ларда вазият шу даражага етган бўлса? Бу ноҳақликлар амалдаги қонун-қондалар ишбилармонларни мутлақо ҳимоя қилиб турган бир шароитда юз бермоқдами? Бунга ким айбдор?.. Хуллас, саволлар мўл, жавоблар эса...

Биз бундан кейин ҳам юртимиз тадбиркорларнинг таҳририятимиз-га йўллаган муножаатларини мунтазам чоп этиб бораверамиз ва уларда қаламга олинган вазиятлар бўйича тегишли мутасадди ташки-лотлардан расмий жавоблар кутиб қоламиз.

Жазо — “ХАЙФСАН”

Ушбу мактубга тўхталишдан олдин муножаат юзасидан бирмунча изох киритишни жоиз деб билдик. Сабаби, муно-жаатнинг ўзига ҳослиги шундаки, ариза ҳозирда Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИБЭнинг манзил колонияларидан бирида жазо муддатини ўтаётган, маҳкум ҳамюртимиздан келган.

Аслида ҳуқуқий-демократик дав-латда маҳкумларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари бирдек муҳофаза қилинади, уларнинг муножаат йўллаган оид ҳуқуқлари озодлиқда юрганлар билан бир хилда таъмин-ланади. Бу ҳақида кўп гапирганмиз, ёзганмиз. Лекин, очигини айтганда, амалда ушбу “ёпик” муассасида жа-зосини ўтаётганлардан ҳар доим ҳам ариза келиб тушавермайди. Аризанинг мазмунини эса кишини ун-данда ҳайратлантиради.

Зеро, бухороллик маҳкум М.А. мах-сус колония бошлиғининг 22.06.2020 йилдаги 25-сонли қарори билан “хайфсан” эълон қилиниши асосли бўлган ёки бўлмагани юзасидан ҳуқуқий баҳо беришни сўраб Қаш-қадарё вилоят прокуратураси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга йўллаган муножаати-га берилган жавобдан қониқмагани-ни баён қилган. Муножаатчи проку-ратура вакиллари томонидан унинг аризаси афрофлича ўрганилмагани-ни қайд этар экан, жавоб хатидан қисқа иқтибос келтиради.

“Аниқланишича, маҳкум М.А. 2020 йил 21 июнь куни соат 18.00 ларда кечки текширувга қасддан чиқмас-дан хонасида ўтирганлиги маълум бўлиб, колония бошлиғининг 22.06.2020 йилдаги 25-сонли қаро-ри билан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган”.

“Ўз-ўзидан савол туғилади, — деб давом этади М.А. ўз хатида. — Юри-дик атамада қасддан деган сўз би-лан боғлиқ бўлмаган ҳолатда соат 18.00 даги кечки текширувга чи-камалиг орасида жуда катта тафо-вут бор (мен китоб мутлоаа қилиб, текшириш эълон қилинганлигини эшитмай қолдим)”.

Энг қизиғи, бу муножаатга маҳ-кум жазо ўтаётган махсус колония бошлиғининг хати маълумот ўрни-да илова қилинган. Бу эса, коло-ния бошлиғи маҳкумининг муножаа-ти мазмунидан хабардор ва уни таҳририятга йўллаганига қарши бўлмаганлигини билдиради (эҳти-мол, ҳуқуқий жиҳатдан зийрак маҳ-кумга қаршилиқ кўрсата олмаган-дир?!).

■ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муножаатлари тўғрисида”-ги қонунга биноан, оммавий ахборот воситаларига йўлланган муножаатлардан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин. Шундай экан, юқорида таҳририятга келиб тушган муножаатлар юзасидан ҳам, сиз, азиз ўқувчиларимиз ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотла-рининг фикр-мулоҳазаларини, ҳуқуқий баҳоларини кутиб қоламиз.

Очигини айтганда

Ўсмирлик инсоннинг энг низок ва ажойиб бир даври бўларкан. Яқиндагина ювош, мулойим, кўзларимга қараб туриб кайфиятимни ҳис қиладиган қизим сўнгги вақтларда тез-тез асабийлашадиган, бир қарасанг серган, кайфияти аъло, яна бир қарасанг камгап, қовоғидан “қор” ёйиладиган, жиззак кизга айланди-қолди. Она бўлиб уни ҳар томонлама тушунишга, ўсмирликдаги “инжиқлик”ларини тўғри қабул қилишга ҳаракат қиламан. Унинг қизиқшлари, атрофидаги дўстлари ҳақида кўпроқ суҳбатлашиш билан бир қаторда бу ёшдаги ўзига хосликлар ва уларни ҳал этиш йўлларига бағишланган психологик асарлар, китобларга кўз югуртираман.

“ТІК ТОК”... ТАРБИЯ... ТАНАЗЗУЛ...

Қизим билан тил топишишнинг энг самарали усули — уни қизиқтираётган нарсаларни таниш. Яъни, “Tik Tok”ка асос солганлар ёшлар ва уларнинг қизиқшларини кўпроқ тушуна олган. Бошиданок ўз аудиториясини аниқлаб олган дастурчилар ёш авлоднинг одатлари ва уларга ёқадиган жиҳатларни тушуниб етган ва ўз мижозларига айлани керакли маҳсулот тақдим қилган. Ушбу платформада кулгили видеолар яратиб, уларни бошқалар билан улашиш имконияти бор. Аслида дастур ва унинг яратувчиларни ўз ишини аъло даражада уддалайди. Бунга гап бўлиши мумкин эмас. Яъни, ҳар қанча гайритабиий эштилмасин, “Tik Tok”ка эътирозим йўқ. Чунки у шунчаки инсоният томонидан ўйлаб топилган дастур.

3 ёшгача ва ундан каттароқ ёш боласи борлар яхши билади. Фарзандимиз янги одат, сўз, қилиқ ўрганса, биз, катталар қувончимизни яшира олмаймиз. Боламиз билан бирдек суюнамиз, куламиз, хурсанд бўламиз. Бола эса ўз навбатида катталарнинг табассумига сабабчи бўлишни яхши кўради ва шу одатни қайта-қайта такрорлашга, бу йўл билан кўпроқ хайрат ва меҳрга эришишга интилади. Баъзан гувоҳ бўламиз, айрим бефажр ота-оналар фарзандига сўқиш ёки ёмон қилиқларни ўзи атайин ўргатиб, атрофдагиларга боласининг “қобилияти”ни кўз-кўз қилишга одатланган, бундан закланишадиям. Уйлашимча, қизимнинг кўл телефонидан ўчириб юборилган “Tik Tok” ҳам худди шу мақсадда ўйлаб топилган. Яъни, кимдир ўзида ёки танишида “мисли қўрилмаган даражада зўр истеъдод”ни ўзича “кашф” этади ва бутун дунёга бу “қобилияти”ни намойиш қилишга интилади. Бундайларга “Tik-Tok” зўр майдон сиёфатида хизмат қилар эҳтимол?

Уша ўзлари ҳазиломуз деб атаётган бачкана видеотасвирларни иловлага оқлаб, оммага тақдим этаётган “Tik Tok”чилар ўзига хос олқиш ўрнида “лайк”ларини санаб, “обуначи”ларини кўпайтириш учун бўлар бўлмас ҳаракатларни амалга ошираётганини очиги ёқлаб бўлмайди. **Энг қизиги, қанчадан-қанча илмли, истеъдодли ўғил-қизларимиз қолиб, айнан шу “Tik Tok”чиларни алоҳида мукофотлаган, рағбатлантирган айрим раҳбарларимизнинг ҳатти-ҳаракатидан на мантик, на моҳият топа олади, киши. Тагин дунёнинг ҳеч қайси мамлакатидан “Tik Tok”чилар тақдирланмаган, деб оғиз кўпиртиришлари-чи?** Гўёки, бундай ташаббус ҳеч бир ривожланган давлатдаги раҳбарларнинг ҳаёлидан ҳам ўтмаган, ақиям етмаган, бизни ақлимиз етди шунга, демоқчи бўлишгандек. Аслида ўша давлатларда бетаин, бекорчи қилиқларни оммага намойиш қилиб, “лайк” йиғадиганлар эмас, балки илмий салоҳияти кучли, инсониятга фойдаси тегадиган ишлари, савобли, хайрли амали билан тенгдошларига ўрнак бўладиганлар қадрланади.

Ижтимоий тармоқда онасининг юзига торт чаплаган йўлғит ҳақида жуда кўп изоҳларни ўқидик, тингладик. Шу ўринда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Оққўрғон” масжиди имомни Рустамжон Ҳамидов (Рустамжон домла)нинг ушбу мавзуга бағишланган видео мазмунасидан бир парча келтирамиз: **“Ўғил-қизларингиз ҳаром билан ҳалолни ажратадиган бўлсин. Бола ёшлигидан Аллоҳдан уяладиган, қўрқадиган бўлиши керак. Аллоҳдан эса илмли одам кўпроқ қўрқади. Мен бир онани кўрдим. Бир ўғилни катта қилибди. Роса меҳнат қилган, роса пул сарфлаган, ўқитган, орзу-ҳаваслар қилган. Ҳалиги ўғил онасининг туғилган кунига торт тайёрлаб келди. Роса онасига табрик айтиб, кўп тилаклар билдирди-да, охирида ҳалиги торти онасининг юзига чаплади. Биродарлар, болангиз шу ишни қилишини хоҳламасангиз, болангиз илмли бўлсин. Мен умид қиламан ва тўлиқ ишонаман, менинг болам бундай қилмайди онасига. Хозир ҳамма ўша болани танқид қилапти, қарғаяпти. Лекин менинг онага раҳимин келаяпти.**

Бир ота Ҳазрат Умар (ро-зияллоху анху)нинг олдиларига борибди:

— Эй, мўминлар амири, мана бу болам мени урди, — дебди. — Сиз гувоҳ бўлинг, мен шу боламини оқ қиламан.

Ҳазрат Умар ҳаждан қалтираб ўғилга қараб, дебдилар:

— Ҳой бола, нима иш



қилиб қўйдинг, мусулмон одам отасига қўл кўтариши мумкинми? Ахир, отанинг болада қанақа ҳаққи борлигини биласанми? Фалон ҳаққи бор, тугун ҳаққи бор, — деб санаётса, йўлғит Ҳазратнинг гапини бўлиб:

— Тўхтанг, отанинг ҳаққи бўлса, боланинг ҳам отада ҳаққи борми? — деб сўраб қолибди.

У киши гап нимадалигини тушунгандек бўлибди ва дебди:

— Аввало, покиза, яхши хулқли қизга уйланиб, болали бўлганда унга чиroyли исм қўйиш, ундан кейин болага Аллоҳ ва Расулини танитиш, охират ҳақида эслатиш ва ундан кейин фарзандини ҳам покиза, яхши хулқли қизга уйлантириш отанинг ҳаққи ҳисобланади.

Шунда ўғил:

— Мен онамнинг насл-насабини танимайман. Ҳатто кимнинг ўғли эканлигини айтишдан уялман. Менга шунақа она толган бу одам. Менга бир исм қўйган, у исмни айтишгаям уялман. Қўршапалакнинг эркагини исмини қўйган.

Сиз айтган Худониям, Пайгамбариям билмайман, танимайман. Мен туғилиб, эсимни таниганимдан бошлаб қўй билан туянинг орқасидан тушганман. Шундан бери қўй, туя ҳайдайман, — дебди.

Ҳазрат Умар отага қараб:

— Сен ўғлингни оқ қиламан деяпсанми, сен аллақачон ўғлингга оқ бўлиб қолган

экансан, болани хор қилибсан-ку, — дебди.

Демоқчиманки, айб онасининг юзига торт чаплаган болада эмас, зотан Пайгамбариямиз айтганларидек, ҳар бир бола, қайси миллатга тегишли бўлмасин, покиза фитратда туғилади. Илло, унинг ота-онаси уни ё мусулмон, ёки насроний бўлишига сабабчи бўлади. Болани дўзахнинг лабига олиб борадиган ҳам, ўғри қиладиган ҳам ота-онаси бўлади”...

Домланинг хитобидан ҳам маълумки, фарзандларимиз илм олишлари учун етарли шароит яратиб беришимиз шарт. Бунинг учун вақт, имконият ва маблағимизни аямаслигимиз керак. Зотан, етарлича илмга эга бўлмагани учун, 40 ёшга яқинлашганига қарамай, 3 нафар фарзанднинг отаси “Шунчаки “Tik Tok”да қизикроқ видео жойлаштириш мақсадида” ўзини гўёки поезд тагига ташлагандек қилиб кўрсатган ва оқибатда тегишли тартибда жиноий жазога эга бўлган ҳамюртимизни халқимиздан кечирим сўрашга мажбур бўлмаган бўлармиди? Ёки методда кўпчилиكنи ўзига қаратиб, маймунларга хос “шоу” намойиш этиб, бу хатти-ҳаракат ва бақирик-чакирикларни видеога тушириб, “лайк” йиғмоқчи бўлган ёшларимиздан уялмаган бўлармидик? Ким билсин, шу алфозда бефарқлигимизни намойиш қилаверсак, бугун онасига торт чаплаган бола, эртага ҳамманинг кўз ўнгига онасига қўл кўтарсаям, олқишлайдиган авлодни вояга етказмасак бўлгани...

Хулоса қилиб айтганда, фарзандларимиз — биз, катталарнинг кўзгудаги акси. Уларга бугун тўғри йўналиш кўрсатсак, тўғри тарбия берсак, эртага марра бизники бўлади. Улар бугун олган билими, дунёқараш, яхши хулқи ва одоб билан эртага ҳаётда ўз ўрнини топади, халқимиз манфаати учун хизмат қилади. “Tik-Tok”, “Like” ва шунга ўхшаш бемаъни воситалар эса уларнинг ортга қайтариб бўлмайдиган вақтини ўғирлайди, холос. Шунинг учун бошқаларни билмадим-ку, лекин шахсан мен мамлакатимизда бу тармоқлар фаолияти бутунлай чекланса ҳам розиман. Зеро, айрим амалдорлар таъбири билан айтганда, “кучли режиссёр ёки оператор”ларни тармоқларда машқ қилдириш орқали эмас, балки тегишли таълим муассасаларида, профессионал майдонда тайёрласак яхшироқ бўларди.

Саодат СОДИҚОВА,
“Adolat” муҳбири

Армия ва халқ — БИР ТАНУ БИР ЖОН

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари байрами нишонланаётган айни кунларда партияимизнинг “Ватан келажиги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида Поп туманидаги 530-батальонда бир ойлик ҳарбий хизматини ўтаётган аскарлар билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда партиянинг Наманган вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ёркиной Ҳожиматова, Поп тумани кенгаши раиси Зафаржон Ҳасанов, 530-батальон ташкилий ишлар бўйича бошлиғи ўринбосари майор Миронкул Бекмирзаев ва хизматдаги ҳарбийлар иштирок этди.

Кенгаш раиси ўринбосари Ёркиной Ҳожиматова аскарларни Ватан ҳимоячилари кўни билан қутларкан, ҳарбийларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласи Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида алоҳида қамраб олинганлигини қайд этиб ўтди.

— Ўзбекистоннинг замонавий ҳарбий кучлари — халқнинг фаровон ҳаёти, давлат хавфсизлиги ва барқарорлигининг ишончли кафолатидир, — деди Ё.Ҳожиматова. — Биз миллий армиямиз қиёфаси, ҳарбий жамоалардаги ахлоқий шароитни тубдан ислоҳ қилиш, қўшинни замонавий ва ишончли қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, энг янги ўқув воситалари, ўқув-моддий база билан таъминлаш, қўшин таркибиди замонавий АКТни жорий қилишга қаратилган сайё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам иш билан таъминлашни, ўқиш, пенсия ва тиббий таъминот соҳаларида қонун билан кафолатланган имтиёзларга эга бўлишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Илгари ишлаш имконияти бўлмаган ёки мутахассислиги бўлмагани боис кам иш ҳақи эвазига ишлашга мажбур бўлган ҳарбийларнинг умр йўлдошлари учун пенсияларни алоҳида ҳисоблаш тартибини ўрнатиш зарур.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати



Байрам муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарь вилоят ва шаҳар кенгаши, Ўзбекистон мудофага қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Қашқадарь вилоят бўлими томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб “Пневматик қуролларидан ўқ отиш” вилоят биринчилиги мусобақаси ташкил этилди. Мусобақада шаҳар, туман ватанпарвар ташкилотлари ўқ отиш тўғрисидаги ўқувчилари беллашдилар.

Вилоят биринчилиги мусобақасида қизлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича Сабрина Йўлдошова, ўғил болалар ўртасида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича Акмал Ёгамбердиев ҳамда ўғил болалар ўртасида пневматик тўппончадан ўқ отиш бўйича Отабек Уроқов, қизлар ўртасида пневматик тўппончадан ўқ отиш бўйича Маржона Йўлдошевлар биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Адҳам САЙНИЯЗОВ,
Қарши шаҳар кенгаши раиси

Ўзбекистон “Адолат” СДП Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан Қуролли Қучларимиз ташкил топганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан “Буюк ва муқаддасан, ҳур Ўзбекистон” лойиҳаси доирасида “Мардлар қўрққайди Ватанини” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Жомбой туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Жомбой туман бўлими ҳамда ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган чиқишлар тадбирига ўзгача кўрқ бағишланди. Тадбирда сўзга чиққанлар ёш авлод қалбиди Ватанга муҳаббат, юрта садоқат туйғуларини ўйғотишни ҳарбийларимизнинг хизмати беқийс эканлигини таъкидлаб, бугун мактаб партасида дунёни англашни ўрганаётган бола, эртага Ватани учун жонини фидо қиладиган ўғлон бўлиб улғайишида шу кунларда юртимизнинг барча таълим муассасаларида ташкил этилаётган ватанпарварлик мавзусидаги тадбирларнинг аҳамияти катта эканлигини эътироф этишди.



Шунингдек, Самарқанд туман кенгаши томонидан “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурдир!” шiori остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Р.Аҳмедов, ҳарбий қисм аскарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди.

— Она юртимиз ҳар доим ўзининг мард, жасур ўғлонлари билан фахрланиб келган, — деди ўз сўзида халқ депутатлари Самарқанд туман Кенгаши депутати Зухра Қуддусова. — Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армиямиз юртимиз тинчлиги, осойишталиги кафолати ҳисобланади.

Тадбирда иштирок этаётганлар ўзларини қизқирган барча саволларга соҳа ходимларидан батафсил жавоб олдилар. Туман мудофаа ишлари бўлими ҳарбийларига партиянинг эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномалари топширилди.

Жамшид НОРБОБОВ,
Самарқанд вилоят кенгаши мутахассиси

“САМАРҚАНД ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаётган барча ҳарбийларимизни самимий муборакбод этади!

Ватанини ҳимоя қилишдек шарафли вазифани адо этишда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!